

ИНГЛИЗ ТИЛИНИ ЎҚИТИШДА ИНТЕРФАОЛ МЕТОДЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Ражабова Наргиза

Камолитдин Беҳзод номидаги рассомлик ва дизайн институти ўзбек ва чет тиллари кафедраси ўқитувчиси

ARTICLE INFO.

Калит сўзлар:

интерфаол метод, Инглиз тили, самарали ўқитиш, таълим, ўқувчи, чет тили, аҳамият.

Аннотация

Мазкур мақолада инглиз тили фанини ўқитишда интерфаол методлар ва уларни дарсда жараёнида қўллаш усуллари ёритилган ҳамда интерфаол методларнинг аҳамияти ҳақида сўз боради. Шунингдек, ушбу методлар ўқувчиларнинг ўзга тилни пухта ўзлаштиришида қулайлиги тўғрисида ҳам маълумотлар келтириб ўтилган.

<http://www.gospodarkainnowacje.pl/> © 2022 LWAB.

КИРИШ

Хабаримиз борки, шу йили президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида чет тилларини ўқитиш тизимини такомиллаштиришга бағишланган видеоселектор йиғилишида 2021-йилдан чет тили ўқитувчиларига миллий ва халқаро сертификатга эга бўлиш талаби [1] киритилиши ҳақида таъкидланганди. Бу эса биз чет тили ўқитувчиларининг елкасига улкан мас'улиятни юклайди. Энди анъанавий дарс методлари ўрнига янги ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда интерфаол методлар асосида дарс жараёнини ташкил қилишимиз лозим. Ушбу таълим давр талаби ҳам бўлиб, ўқитувчи ва муаббийларни ўз устида яна ҳам кўпроқ ишлашга ундайди. Мазкур мақолада ҳам инглиз тилини ўқитишнинг янги усулларига эътибор қилар эканмиз аввало, бу усулларнинг самарадорлигига эътибор қаратиш лозим. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, юртимизда чет тилининг ўқитилиши, чет тили ўқитувчиларининг билим ва кўникмаларини баҳолашнинг умумевропа рамкалари тавсияномалари (СЕФР) га мос равишда янги усул ва талаблари ишлаб чиқилди. Унга кўра умумтаълим мактаблари ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари учун дарсликлар яратилмоқда. Ушбу талабларга мос равишда ўқув хоналари стендлар ва янги ахборот коммуникатив техникалар билан жиҳозланди. Чет тили ўрганишга бўлган талаб ҳам кундан кунга ошди. Чет тили фани тўрт аспектга (ўқиш, ёзиш, тинглаб тушуниш ва гапириш) бўлиниб, уларнинг ҳар бири бўйича алоҳида тушунча ва кўникмалар берилди.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Чет тил ўқитиш методикаси фан сифатида 200 йилдан ортиқ тарихга эга. Бу давр ичида чет тили ўқитиш методикасига турлича муносабатлар билдирилганини кузатиш мумкин. Бундай қарашлардан бири академик Л.В.Шчербага мансуб ҳисобланади. Унинг фикрича, ҳар қандай

фанни ўқитиш методикаси фан бўлишига қарамасдан, назарий фан ҳисобланмайди. У амалий масалаларни ҳал қилади[2]. Жумладан, чет тили ўқитиш методикаси ҳам фақат психология далилларига таянмайди, балки умумий ва хусусий тилшунослик тадқиқотларига асосланади. Агар тилшунослик тил ҳодисаларининг келиб чиқиши ва ҳаракатланиш қонуниятлари билан шуғулланса, методика бу қонуниятларга асосланиб зарур тил ҳодисасидан амалда фойдаланиш учун нима қилиш керак деган саволга жавоб беради. Методикага оид китобларнинг энг қимматлилари ҳам тилшунослар томонидан ёзилган. Булар жумладан XIX аср фонетистларидан бири ва буюк инглиз тилшуноси Г.Суит, XIX аср охири ва XX аср бошида Англияда энг оригинал фонетист ва назариётчи тилшунос ҳисобланган О.Есперсон, XIX асрнинг охири ва XX аср бошларида энг кўзга кўринган француз лингвистларидан Ф.Брюнс ва Бреалья, кўзга кўринган англист ва таниқли фонетист В.Фиётор ва бошқалар киради[3]. Россияда тил ўқитиш методикаси масаласи билан академик Л.В.Шчерба ва унинг устози буюк тилшунос олим И.А.Бодуен-де-Куртоне ва уларнинг шогирдлари шуғулланганлар. Чет тил ўқитиш методикасига психологлар ўзгача муносабатда бўлдилар. Методика ва психология фанларнинг ўзаро муносабатлари ҳақида профессор В.А. Артемов қимматли фикр билдирган. Унинг фикрича, психология методика учун материал беради. Методика ўқитувчининг қандай дарс ўтишини ўрганади. Психология эса, ўқувчиларнинг бу предметни қандай ўзлаштириб олаётганликлари билан шуғулланади. Лекин, бу фикрга тўла қўшилиб бўлмайди. Чунки ўқитувчи дарс бериш жараёнида, ўқувчи эса ўзлаштириш даврида маълум руҳий жараён ва ҳолатларни бошдан кечирадидилар, улар хоҳлайдиларми, йўқми психологиянинг қонунларига рўбаро бўладилар ва таъсирланадилар.

Чет тилини (инглиз тили) ўқитиш ва ўргатишда замонавий технологиялардан фойдаланиш кетта самара беради. Хусусан:

- компьютерлардан фойдаланганда ўқувчи чет тилидаги видео роликларни, намоишларни, диалогларни кино ёки мултфилмларни ҳам кўриши ҳам эшитиши мумкин;
- чет тилидаги радио эшиттиришлар ва телевидениедаги дастурларни эшитиш ва томоша қилиш мумкин;
- анча анъанавий усул ҳисобланадиган магнитофон ва кассеталардан фойдаланиш;
- СД плеерлардан фойдаланиш мумкин. Буда ўқувчиларга чет тилидаги коммуникатив компетенцияси шаклланишда кенг имкониятлар яратилади. аввало, ўрганувчи сўзларнинг талаффуз жараёнини бир қанча вариантларини эшитади ва шу орқали ўз талаффуз беёрларини шакллантиради. Иккинчидан комуникаторларнинг мулоқот жараёнини тасвир орқали кузатаётган ўқувчи комуникаторларнинг новербал ҳаракатларига гувоҳ бўлади, бу орқали ўқувчида стратегис компетенция шакллана боради. Учинчидан, тасвир орқали чет тили вакилларининг маданияти билан ҳам қисман танишади, бу эса ўрганувчининг социолингвистик компетенцияси шаклланишга тўртки бўлади. Тўртинчидан, ушбу технологиялар орқали узатилаётган маълумотларни қайта эшитиш, такрор кўриш имкони бор, бу ўқувчиларга тушунмаган жойларини ўзи ёки гуруҳи билан қайта ўрганиш имконияти мавжудлигини англатади. Юқорида келтириб ўтилган ҳолатлар ўқувчиларнинг чет тилини ўрганиш жараёнини қизиқтироқ ва самаралироқ бўлишини таъминлайди.

Ҳозирги замон таълими илғор педагогик технологияларда, интерфаол, инновацион усуллардан, коммуникатив-ахборот воситаларидан фойдаланишни талаб қилади.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Чет тил ўрганиш кўп қиррали таъимот бўлиб, бу жараёнда инсон мураккаб психологик ўзгаришларни бошдан кечиради. Жумладан она тили билан чет тилини таққослаш жараёни юзага келади. Бу жараёнда ўргатишнинг турли метод ва технологияларидан фойдаланилади. Замонавий педагогик технологиялар ёрдамида чет тил билан она тилини таққослаб ўргатиш самарали натижа беради. Чет тил ўргатиш унинг методикасига оид билимларга эга бўлишни

тақозо этади. Методика ва технологиялар чет тил ўрганиш жараёнида муҳим аҳамият касб этади. Дарсни ташкил қилишда методика фанининг турли усуллари мавжуд. Чет тил ўқитиш методикасида кенг қўлланиладиган методлар: коммуникатив дидактика методи, маданиятлараро мулоқотни ташкил қилиш методи ва машқни ташкил қилиш методи ҳисобланади.[4]

Замонавий жамиятда чет тиллари касбий таълимнинг муҳим таркибий қисмига айланмоқда. Турли соҳалардаги мутахассисларда чет эллик ҳамкорлар билан ҳамкорлик қилиш кўрсаткичи юқори бўлганлиги сабабли, уларда тил ўрганишга бўлган талаб юқоридир. Ҳозирда чет тиллари мактаб, коллеж, лицей, олий таълим муассасаларида ўргатилмоқда. Турли даражадаги тил билимига эга бўлмоқчи бўлганлар учун ўқув материалларнинг инавацион турлари мавжуд. Чет тилини мукамал билиш ва маълум даражани олиш ўқитувчиларнинг амалий услублари ва малакасига ҳам боғлиқ. Ахборот технологиялари ва замонавий ўқитиш усулларида фойдаланиш қобилияти янги материалларни тезкор тушунишга ёрдам беради. Турли усулларни бирлаштириб ўқитувчи муайян таълим дастурларини ечишга қодир бўлади. Шу муносабат билан ўқитувчилар ва талабалар хорижий тилларни ўқитишнинг замонавий усуллари билан танишишлари керак. Натижада мақсадларига эришиш учун энг самарали усулларни танлай билиш кўникмалари шакилланади. Бунда ўқитиш ва ўрганишнинг бир неча методларидан фойдаланиш яхши самара беради. Замон илгарилаб боргани сари ҳар бир соҳада янгилик кўпаймоқда. [5]

Илғор методлар чет тилини пухта ўзлаштиришда компос вазифасини ўтайди.

Шундай методлардан бири бу дарс жараёнида ролли ўйинлардан фойдаланишдир. Ролли ўйинлар бу реал ҳаётимиздаги турли ситуасияларни чет тили ўрганиш жараёнида қўллашдир. Бу метод дарс жараёнида тил муҳитини яратишга ёрдам беради.

Масалан: 1-ҳолатда тасодифан эски дугоналар учрашиб қолишади. 2-ҳолат Йўлдан ўтаётиб йўл қоидасига риоя қилмаган болани яъни ўтиш бўлмаган йўлни кесиб ўтади. 3-ҳолат.Магазинда озик овқат олиш учун харидор киради. 4 Ушбу ситуасиялар бўйича сахна кўринишлари ижро этилади. Бундай ҳаётий ролли ўйинлар дарс жараёнида тил муҳитини яратади, талабаларга ўз фикрларини эркин ифода этиш имкониятини беради. Ролли ўйинларда иштирок этиш жараёнида талабалар фикрлашга ўрганадилар,ўз эмосионал ҳолатларини чет тилида эркин ифода қилишга ўрганадилар. Ролли ўйинларга таъриқларлик жараёнида бир-бирининг лексик,грамматик ва талаффуздаги хатоларини тўғирлайдилар. Хато қилиб ва шу хатони тўғирлаш ҳам тилни ўрганишга ёрдам беради ва талабаларни тўғри талаффузга ўргатади. Дарс жараёнида ролли ўйинлардан фойдаланиш бир вақтнинг ўзида барча талабаларни дарсда актив иштирок этишларини таъминлайди. Бундан ташқари ролли ўйинлар талабаларнинг чет тилини ўрганишга қизиқишини оширади ва дарс жараёнига жонли,қувноқ муҳитни яратади. Бу эса чет тили дарсларининг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Кейинги метод бу «Кейс-стади» бўлиб инглизча, («case» — аниқ вазият, ҳодиса, «study» — ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади.

Энг қизиқарли методлардан бири - «Пантомимо» ўйинида 3 гуруҳга ажратилади. Ҳар бир гуруҳдан биттадан киши доскага чиқарилади. Уларга турли сўзлар рўйхат асосида берилади. Улар бирор бир сўз айтмасдан имо-ишоралар, ҳаракатлар орқали сўзларни қолган гуруҳ аъзоларига тушунтиришлари керак.

- “Муаммоли вазият ечими” (Creative Problem Solving) бу усулни қўллаш учун ҳикоянинг бошланиши ўқиб берилади қандай яқун топиши ўқувчилар, талабалар ҳукмига ҳавола қилинади;
- “Қувноқ топишмоқлар” (Merry Riddles) ўқувчиларга топишмоқлар ўргатиш Инглиз тилини ўргатишда муҳим аҳамиятга эга, улар ўзларига нотаниш бўлган сўзларни ўрганадилар ва

ўйлаб топишмоқ жавобини топадилар;

- “Тезкор жавоб” (Quick answers) ўтилган дарс самарадорлигини оширишда ёрдам беради;
- “Чигил ёзди” (“Warm-up exercises”) ўқувчиларни дарсга қизиқтириш учун синфда ҳар хил ўйинлардан фойдаланиш [6];
- “Пантомима” (pantomime) бу усул жуда қийин мавзулар тушунтирилиши керак бўлган дарсда ёки ёзма машқлар бажарилиб, талабалар чарчаган пайтда фойдаланилса бўлади;
- “Ҳикоя занжири” (a chain story) усули ўқувчиларнинг оғзаки нутқини ўстиришда ёрдам беради;
- “Ролли ўйинлар” (Acting characters) бу усул дарснинг барча типларида қўлланилиши мумкин.

Хунарга ўргатиш учун “Interpreter”, “Translator”, “Writer”, “Poet” каби касбдаги кишилар дарсда иштирок этишиб ўқувчилар билан суҳбатлашишлари мумкин;

- “Алломалар йиғини” (Thinkers meeting) У.Шекспир, А.Навоий, Р.Бурнс каби шоирлар ва ёзувчиларни “таклиф қилиш” мумкин. Бундай пайтда улар айтиб кетган ҳикматли сўзлардан дарсда фойдаланиш ёшларни комил инсон бўлиб тарбияланишига ёрдам беради;
- “Расмлар сўзлаганда” (When pictures speak) усули анча қулай бўлиб, инглиз тилини ўргатишда, талаба, ўқувчиларнинг оғзаки нутқини ривожлантиришда ёрдам беради, бунинг учун мавзуга оид расмлардан фойдаланиш лозим;
- Квиз карточкалари (quiz cards) ўқувчиларнинг сонига қараб карточкалар тарқатилади ва ҳамма талабалар бир вақтда дарсда иштирок этиш имконини беради бу эса вақтни тежайди.

Кўриб чиққанимиздек, ҳар бир инновацион технология ўзига хос афзаллик жиҳатларига эгадир. Бундай усулларнинг барчасида ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги ҳамкорлик, ўқувчининг таълим жараёнидаги фаол ҳаракати кўзда тутилади.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, Инглиз тили дарсларида инновацион усулларни қўллаш натижасида ўқувчиларнинг мантикий фикрлаш қобилиятлари ривожланади, нутқи раванлашади, тез ва тўғри жавоб бериш малакаси шаклланади. Бундай усуллар ўқувчида билимга иштиёқ уйғотади. Ўқувчи дарсларга пухта ҳозирлик кўришга интилади. Бу эса ўқувчиларни таълим жараёнининг фаол субъектларига айлантиради. Таълим тизими ўз олдига эркин фикрловчи, баркамол, етук шахсни тарбиялашни вазифа қилиб қўяр экан, келгусида биз бўлажак ўқитувчилар инновацион технологиялардан самарали фойдаланиш йўлларини янада мукамалроқ ишлаб чиқшимизимиз билан ўз хиссамизни қўшишимиз мумкин.

REFERENCES

1. <https://www.gazeta.uz/oz/2021/05/06/certificate/>
2. Пищальникова В. А., Потапов В. В. Лев Владимирович Щерба // Отечественные лингвисты XX века: Сб. статей / Отв. ред. Ф. М. Березин. Ч. — М.: ИНИОН РАН, 2003. — С. 123—148.
3. Joraboyev, B. V. O. (2021). Using authentic materials on english lessons. Academic research in educational sciences, 2
4. “Chet til o'qitish metodikasida zamonaviy metodlar” Zayniddin Sanaqulov
5. Jalolov J. Chet tili o'qitish metodikasi. 2012, b-67
6. Отабоева, М. Р. Chet tilini o'qitishda zamonaviy innovatsion texnologiyalaridan foydalanish va uning samaradorligi / М. Р. Отабоева. — Текст: непосредственный, электронный // Молодой ученый. — 2017. — № 4.2 (138.2). — С. 36–37. — URL: <https://moluch.ru/archive/138/39058/> (дата обращения: 27.04.2020) N. Q.